




Лев Толстойнинг А.А. Толстойга мактубларидан. 1884 йил, апрель. Ясная Поляна.

«Сиз мен билан бир эътиқодда бўлишингизни жуда истардим. Хаётимга бироз назар солинг. Хаётимнинг аввалги барча кувончларидан махрум бўлдим. Хаётдаги ҳар қандай муваффақиятлар — бойлик, ҳурмат, шухрат — буларнинг ҳеч бири менда йўқ. Дўстларим, ҳатто оила аъзоларим ҳам мендан юз ўгиришмоқда.

Баъзилар — либераллар ва эстетлар мени аклдан озган ёки Гоголга ўхшаган акли заиф деб ҳисоблайдилар; бошқалар — инкилобчилар, радикаллар мени мистик, беҳуда гапирувчи деб ҳисоблайдилар; ҳукуматдагилар мени зарарли инкилобчи деб ҳисоблайдилар; православлар эса мени шайтон деб ҳисоблайдилар. Тан оламанки, бу мен учун огирдир... Шунинг учун, илтимос, мени яхши мухаммадий (мусулмон) деб қаранг, шунда ҳаммаси жуда яхши бўлади».

Е.Е. Векиловага мактуб. 1909 йил, март. Ясная Поляна.

«Мен учун мухаммадийлик ташки шакллари жихатидан черков православиясидан қиёслаб бўлмайдиган даражада устун эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, агар инсон олдида факат икки танлов — черков православиясига эргашиш ёки мухаммадийликка эргашиш турган бўлса, ҳар қандай аклли инсон учун танловда ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ва ҳар ким ягона Худо ва Унинг пайгамбари ҳақидаги ягона ақидани тан олувчи мухаммадийликни, учлик, гуноҳни ювиш, сирли маросимлар, Худо онаси, муқаддаслар ва уларнинг тасвирлари ҳамда мураккаб ибодат маросимлари ҳақидаги тушуниш қийин бўлган илоҳиётдан устун қўяди».

Лев Николаевич Толстой (1828–1910) — рус адабиёти ва тарихига улкан ҳисса қўшган даҳо рус ёзувчиси ва мутафаккири бўлиб, бизга кўпроқ ёзувчи сифатида таниш. Унинг ҳаётнинг маъноси, Худо, рух, билим, муҳаббат ва шу каби масалаларни кўриб чиққан фалсафий қарашлари ва рисолалари унчалик машҳур эмас. Унинг адабий асарлари ўқувчини ўзининг чуқурлиги ва инсонпарварлиги билан ҳайратга солади, бизни сезилмасдан ёзувчининг ажойиб ва қизиқарли оламига олиб қиради, у ерда биз турли адабий қаҳрамонлар ичида сингиб кетамиз.

Унинг мутлақо гайриоддий фикрлаши ўша давр Россия жаҳияти томонидан кўп ҳолларда тушунилмаган.

Черковни аёвсиз танқид қилгани учун Толстой қораланган ва унинг қарашлари тан олинмаган, чунки бу православ черковининг нуфузига путур етказар эди. Черков уни муқаддас нарсаларни ҳақорат қилишда айблаган ва ҳатто уни шайтон деб атаган.

Граф Толстой Инжилларда баён қилинган Исонинг ҳақиқий қарашлари билан православ ва бошқа насроний черковлари ақидаларидаги уларнинг бузиб талқин қилиниши ўртасидаги принципаф фарқни кўрди. «Сиз мен гўё Худони тан олмайди деб айтасиз. Бу — тушунмовчилик. Мен Худодан бошқа ҳеч нарсани тан олмайман. Мен билган ҳамма нарсани Худо борлиги учун биламан ва Уни биламан».

Граф Толстойнинг фикрича, Инжилларда баён килинган Масих хакикати кейинчалик Ундан кейин келган черковлар томонидан бузиб кўрсатилган. Бу бузилишлар учта асосий нуктага тааллуқли эди.

Биринчидан, ҳар бир черков факат ўзи Масих таълимотини тўғри тушунади ва бажаради, деб эълон килди. Бу даъво таълимот руҳига зиддир, чунки унда на алоҳида бир инсон, на бир гуруҳ одамлар уни тўлиқ англаганини даъво қилиши мумкин.

Иккинчидан, улар инсоннинг нажотини муайян сирли маросимлар ва ибодатларга боғлаб қўйдилар, ўзларини одамлар билан Худо ўртасидаги воситачилар мақомига қўтардилар.

Учинчидан, дин тамойилининг амал қилиш соҳаси шахсий ҳаёт ва хонадон турмушига торайтирилди. Черков ҳаётни бошқариш ўрнига, дунёга ёқиш учун Масихнинг метафизик таълимотини шундай қайта талкин килдики, ундан ҳаёт учун ҳеч қандай талаб келиб чиқмайдиган бўлди, натижада у одамларнинг аввалгидек яшашига ҳалакит бермай қўйди...

«Дунё ўзи истаган ишни килди, черковга эса ҳаёт маъносини қандай тушунтиришни ўзи билганича етказиб олишни қолдирди. Дунё Масих таълимотига мутлақо зид бўлган ўз ҳаётини қарор топтирди, черков эса одамлар Масих қонунига қарши яшасалар ҳам, гўё унга мувофиқ яшаётгандек бўлиб чиқиши учун турли мажозий талкинларни ўйлаб топди. Оқибатда дунё бутпарастлик ҳаётидан ҳам ёмонроқ ҳаёт билан яшай бошлади, черков эса нафакат бу ҳаётни оқлади, балки айнан шу Масих таълимотининг ўзи, деб тасдиқлай бошлади». Ясная Поляна. 1909 йил март.

Абу Муслим профессор таржимаси